

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI

IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI



# IMOM BUXORIY SABOQLARI



1/2024

## MUNDARIJA (2024/1)

**Шовосил ЗИЁДОВ.** Амир Темур ва Сукрот.....3

### ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

**Бахтиёр ТЎРАЕВ.** Ҳазрат Занги ота сийратини намоиш этувчи ва тарихий хотирани уйғотувчи асар.....5

**Хуснидин АҲМЕДОВ.** Янги Ўзбекистонда диний бағрикенгликни таъминлаш давлат сиёсатининг ажралмас қисми.....8

**Кахрамон КАРИМОВ.** Turkiстонда qozi(sudya)lar tayinlanishi, tergov qilish va hukm chiqarish tarixi.....11

**Axror ESHMUNAMATOV.** Jizzax vohasi chorvadorlarining ziyorat manzilgohlari va shifobaxsh buyumlari haqida.....13

**Муслим АТАЕВ.** Шарқда дастлабки илмий марказларнинг шаклланиши ва ривожланиши.....15

**Шодиёр АЛИМОВ.** Самарқанд вилоятида фаолият юритган козилар ва уларнинг Туркистон ўлкаси ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни (XIX аср охири – XX аср бошлари).....18

**Mohira BOYMIKZAYEVA.** Markaziy Osiyo yoshlari siyosiy faolligiga ta'sir ko'rsatuvchi omillar.....21

**Ҳилола НОРМАМАТОВА.** Илк ўрта асрлар Ўрта Осиё тангаларидаги қадимги туркий унвонлар.....23

**Nodirbek QORABOYEV.** Akademik Said Shermuhamedovning Toshkent davlat universiteti (O'zMU)dagi ilmiy-pedagogik faoliyati.....25

**Парвина РАҲМОНОВА.** Самарқанддаги Боғи шамол жанги.....26

**Shohruh JUMAYEV.** Qo'qonda yashagan yahudiylar tarixi va bugungi kundagi faoliyati.....28

### АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

**Mo'min HOSHMIXONOV.** Mashrab she'riyatida payg'ambarlar tavsifi.....31

**Нодиржон АБДУЛАҲАТОВ.** Мавлавий Чўбин қисмати.....33

**Иброҳим УСМОНОВ.** Ҳақим Термизийнинг “Ал-Ҳуқуқ” асарида ижтимоий ҳуқуқ масалалари.....36

**Масъудхон ИСМОИЛОВ.** Хожа Муҳаммад Порсонинг калом илмига қўшган ҳиссаси.....40

**Жамшид ШОНАЗАРОВ.** Бехбудий ва унинг давлатчилик ғояси.....42

**Feruz NARMANOV.** Mustaqillik davri tarixshunosligida O'zbekistonda tarix fani va diniy ta'lim o'qitilishining yoritilishi.....44

**Javohir ZAFARZODA.** Abu Rayhon Beruniy asarlarida – e'tiqod masalasi.....46

**Matlyuba SADULLAYEVA.** Number as the essence of things: philosophy of Western and Central Asian scientists.....48

**Ҳошимжон НИЗОМИДДИНОВ.** “Арфу-ш-шазий” асарида қабрлар масаласи.....52

**Gulnoza AXMADJONOVA.** XX asr Turkiстон ma'rifatparvar olimlaridan Mahmudxo'ja Behbudiy faoliyati.....53

**Баҳодиржон АЪЗАМОВ.** Ҳақим Термизийнинг ҳадис илмида тутган ўрни ва бу соҳага оид асарлари таҳлили.....55

**Асилбек ХЎЖАЁРОВ.** Насаф фикҳ мактаби ва Баздавий алломалар фикҳий мероси (IX – XII асрлар).....57

**Дилдора АХАТОВА.** Ёшларни илм-маърифатли қилишда Абу Али Ибн Сино илмий меросининг ўрни (“Ҳайи ибн Яқзон” асари мисолида).....60

**Абдулбосит МАМАДАЛИЕВ.** Юртимизда фаолият юритган Булғорий алломалар.....61

**نعماتوف محمد عيسى.** أثر فقهاء الحنفية في تربية الشباب الشيخ ابراهيم الحلبي نموذجاً.....63

### НОДИР МАНБАЛАР

**Неъматулло НАСРУЛЛАЕВ.** Ҳанафий фикҳига оид китобларнинг тарихий босқичлари: “Мухтасарул виқоя” асари мисолида.....66

**Ҳусен ДЖУРАЕВ.** Махмуд аз-Замахшарийнинг “Муқаддимат ал-адаб” луғат асари нусхасининг Бухорода китобат қилиниши тарихи.....68

**Abduqahhor RAXMONOV.** Abu Yusufning “Kitob al-xaroj” asarida adolatli ijtimoiy siyosat g'oyasining yoritilishi.....70

**Муҳаббатхон АГЗАМОВА.** “Ал-комил фит-тарих” асарини таълиф этишда “Тарих ар-русул вал-мулк”нинг аҳамияти.....72

**Dilafuz TURDIYEVA.** XX-XXI asrlarda Malayziya ijtimoiy-siyosiy hayotida diniy omilning o'zni va ahamiyati.....74

**Barot AMONOV.** “Sahihul Buxoriy” asari sharhlarini o'rganishning ilmiy-nazariy asoslari.....78

**Abrorxon ASATULLOYEV.** Abdurahmon Toshkandiyning “Me’yor ul-axloq” asarining qiyosiy tahlili.....82

**Давронбек ҚОДИРОВ.** Қушайрийнинг “Нахвул кулуб” рисоласидаги ахлокий қарашлари.....84

**Акмал ЯКУБОВ.** Хива тарихнависларининг XVI-XIX асрларда Хоразм ва Дашти қипчоқ муносабатларига оид асарлари.....86

**Ойбек ЯРМАТОВ.** Туркистондаги хинд фуқаролари тарихига оид манбалар таҳлили.....88

**Нодир ҚОБИЛОВ.** “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” ҳадис тўпламининг ёзилиш тарихи ва асар бобларини тартиблаш услуги.....91

**Абдувоҳид АҲМАДАЛИЕВ.** Усул ал-фикҳ илмининг пайдо бўлиши ва шаклланиши.....93

### ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

**Lola AZIMOVA.** Islom tarixiga oid qissalar va ularning sujeti (XIX asr misolida).....95

**Nigora XAKIMOVA.** Muttasil hadislarning islom huquqida qo’llanilishi.....97

**Nozima IBRAGIMOVA.** The etymological analysis of the notion “Ambassador”.....100

**Бекжон ҚУРБОНОВ.** Ислому ҳуқуқининг шаклланиш тарихи.....102

**Алоуддин НЕЪМАТОВ.** Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асаридаги фикҳга оид ҳадислар таҳлили (“Фотиҳа” сураси мисолида).....104

**Nilufar TUYCHIEVA.** G’arbda tasavvufning yangicha ko’rinishlari.....106

**Зикирилло ЯЗДОНОВ.** Ҳақим ат-Термизийнинг сўфиёна қарашлари ва маломатийликка муносабати.....108

110..... *ليروف شامل عبدالرفيس. دور أبي حنيفة في علم الحديث.*

**Махмуд АБДУРАХМОНОВ.** Ҳанафийлар мазҳабида ҳадислардан далил сифатида фойдаланиш тартиблари.....112

**Javohirxon SOBIROV.** Turkiy davlatlar tashkilotining O’zbekiston milliy manfaatlarida tutgan o’rni.....114

**Jasurbek ABDUQODIROV.** Ziyorat ob’yektlari va ularni tasniflash.....117

### ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

**Sherzod RAXIMOV.** Ijtimoiy-siyosiy jarayonlarni demokratlashtirishda elektron demokratiyaning ta’siri....119

**Hakim RASULOV.** Sharq va g’arb ta’limotlarida siyosiy va huquqiy madaniyat: genezisi va shakllanishi.....121

**Мустафо БОЗОРОВ.** Миграция жараёнига дин омилининг таъсири.....123

**Sheraxon XASHIMOV.** O’zbekistonning xalqaro imijini yuksaltirishda ziyorat turizmining o’rni.....126

**Gavhar SUVONKULOVA.** Huvaydo hayoti va ijtimoiy muhit.....128

### ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

**Хусан ДЖУРАКУЛОВ.** Бугунги глобал техника-технология асрида шахс экологик онгини юксалтириш зарурияти.....130

**Ойгул ШАРИПОВА.** “Рутбатул хаёт” да тана ва рух масаласи.....132

**Ramziddin ISAKDJANOV.** Islom dunyosidagi falsafiy tafakkur evolyutsiyasi Ibn Sino misolida.....134

**Зебинисо АХМЕДОВА.** Аҳмад Дониш фалсафасида инсон борлиғи ва олам масаласи.....137

**Дилшода РАҲИМОВА, Садоқат ТУРАТОШЕВА.** Жамият маънавий даражасини юксалтиришни моделлаштириш: ижтимоий-фалсафий таҳлил.....139

**Maqsud TOSHBOVOYEV.** Sun’iy intellekt rivojlani-shining falsafiy tahlili.....141

### ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

**Sarvar SULEYMANOV, Feruza MUSTAFOYEVA.** Zamonaviy yoshlar tarbiyasida yangicha yondashuvlardan foydalanish.....144

### МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

**Jonibek TANIQULOV.** Media axborot erkinligi: muammo va yechimlar.....146

### БИР ҲАДИС ШАРҲИ

Ҳаё хусусияти.....148



# “РУТБАТ УЛ-ҲАЁТ” ДА ТАНА ВА РУҲ МАСАЛАСИ

ОЙГУЛ ШАРИПОВА

Бухоро давлат университети доценти, DSc

**Аннотация:** Ушбу мақолада Хожাগон тасаввуфий тариқатининг бошловчиси Юсуф Ҳамадонийнинг “Рутбатул ҳаёт” (“Ҳаёт мезони”) асаридаги тана ва руҳ масалаларининг фалсафий таҳлили ўз аксини топган. **Таянч сўзлар:** тасаввуф, тафаккур, тана, руҳ, илм, виждон, зикр, ижтимоий ҳаёт.

**Annotation:** This article reflected a philosophical analysis of the issues of body and soul in the work of the leader of the Sufi order Hojagon Yusuf Hamadani “Rutbatul hayot”. **Keywords:** Sufism, thinking, body, soul, science, conscience, mentioned, social life.

**Аннотация:** В данной статье отражен философский анализ вопросов тела и души в произведении «Рутбатул Хаят» («Критерий жизни») Юсуфа Хамадони, лидера суфийского ордена Ходжагана. **Ключевые слова:** суфизм, мышление, тело, душа, наука, совесть, упомянут, социальный жизнь.

Тасаввуфда Хожাগон тариқатининг бошловчиси Юсуф Ҳамадоний Хожаи Жаҳон-Абдухолиқ Ғиждувоний дунёқарашининг шаклланишида ўзига хос ўринга эга. Юсуф Ҳамадонийнинг маънавий мероси кейинчалик дунёга машҳур хожাগон-нақшбандия тариқатига маънавий методологик назарий асос бўлиб хизмат қилган.

Хожাগон – хожа сўзининг кўплик шаклидир. “Хожа” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, “ҳурматли”, “жаноб”, “хўжайин”, “мулкдор” деган маъноларни англатади. Тасаввуфда “хожа” ибораси тариқат шайхларига, улуғ пирларга берилган унвондир. Биринчи бўлиб бу унвон Юсуф Ҳамадонийга берилган. Унинг шогирди Абдухолиқ Ғиждувоний ҳам “Хожа” унвонига сазовор бўлган. Шу сабабли Абдухолиқ Ғиждувоний асослаган таълимот ҳам Хожাগон номи билан аталади. Хожাগон таълимотидаги барча шайхлар ҳам “Хожа” унвони билан улуғланган.

Юсуф Ҳамадоний ўзига хос дунёқараш, тасаввуф тизимини барпо этган, ривожлантирган буюк орифдир. Аллома таълимотининг ўзига хослиги шундаки, ушбу таълимот илк тариқатлардан кейин яратилган, ўзида ҳушёрлик, назарда огоҳлик, анжуманда хилватда бўлиш, доимий тафаккур мукамаллигига даъват этиш, хуфия зикр, меҳнатсеварлик, касб-хунарли бўлиб, ҳалол яшаш, жамиятга зарар келтирмаслик, бирор нарсага ҳам озор бермаслик каби шунга оид ғояларни ўзида мужассамлаштирган илк мумтоз тариқат ҳисобланади. Мутасаввиф тасаввуфни ривожлантириб, такомиллаштириб, Хуросон, Мавароуннаҳрдаги тасаввуфий тажрибаларни ўзлаштириб, уларни асарларига сингдирди.

Юсуф Ҳамадоний нуфузли тасаввуф китобларида ҳурмат билан тилга олинган. Фаридулдин Аттор “Тазкират ул-авлиё” асарида: “Машҳур шайх Мансур Ҳаллож тарафдори эди” [1:568] деган фикрни ифодалаган. Аммо кубровия машоихидан Маждиддин Боғдодий (ваф.м.1210 й.) ўзининг “Тухфат ал-барара” асарида Юсуф Ҳамадонийнинг: “Агар Мансур Ҳаллож маърифатни ҳаққи билан билганда “анал-ҳақ” ўрнига “анал-туроб” (“мен тупроқман”) деган бўларди” деган сўзларини келтирган” [2:22].

Юсуф Ҳамадоний замонасининг етук шайхлари Абдулқодир Гилоний, Имом Ғаззолий билан суҳбатлар қилган. Манбаларда Юсуф Ҳамадонийнинг Ғаззолийдан фарқи илмий-маърифий асарлар ёзишдан кўра, одамлар орасида юриб, муридлар таълим-тарбияси билан шуғулланишни афзал кўрганлигини “Ғаззолий асарларининг кўплиги билан суҳрат қозонган бўлса, Хожа Юсуф Ҳамадоний кўплаб муридлар етиштиргани билан тасаввуфий жиҳатидан олдиндадир” [3:19] дейилганида кўрамир.

Шайх Юсуф Ҳамадонийнинг “Ҳаёт мезони”, “Одоб тарикат”, “Инсон ва коинот”, “Рисола дар ахлоқ ва муножот” каби асарлари мавжуд. Ҳажм жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам салмоқлиси “Рутбат ул-ҳаёт”дир. Ушбу рисола инсон ҳаётининг фарқли даражалари тўғрисида савол-жавоб тариқасида ёзилган. Саволларга жавоб

беришда Қуръони карим оятлари ва Ҳадиси шарифдан далил келтиради, фалсафий хулосалардан фойдаланилган. Рисолада Аллоҳ ва унинг расулига ҳамду санолар айтиб, Яратганнинг сифатларини ифодаловчи номлар келтирилган ва фалсафанинг умумназарий масалаларига тегишли бўлган мавзулар ҳақида фикр билдирилган.

Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг “Рутбат ул-ҳаёт” асарида инсон ҳақидаги ғоялар, хусусан тана ва руҳ масаласи таҳлил этилган. Юсуф Ҳамадоний инсонга бутун борлиқнинг сарвари, энг ҳурмат ва иззатга сазовор махлуқот сифатида баҳо беради. Бутун борлиқ, жонли ва жонсиз табиат, наботот ва ҳайвонот инсон учун яралгани ва унинг тасарруфида эканлигини таъкидлайди. У инсонни тана ва руҳдан иборат мавжудот сифатида таҳлил этади.

Юсуф Ҳамадоний инсон вужудини бир жойда бадан, бошқа жойда тан, учинчи жойда вужуд иборалари орқали таҳлил этган. У инсон танасини қуйидагича таърифлаган: “Бадан дин омонат топширган бир уловдир ва шариат вазифаларини бажарувчи ҳаммолдир” [4:19]. Демак, Юсуф Ҳамадонийнинг фикрича, инсон учун тана улов, яъни от, туя каби асл манзил-маконга, охираат зиёратгоҳига етишга ёрдам берувчи воситадир. Шунингдек, инсон ўзига юклатилган вазифаларни бажариши учун тана ҳаммол, яъни ёрдамчидир. Юсуф Ҳамадоний танани, бир томондан, дин омонат топширган улов деса, иккинчи томондан, шариат вазифаларини бажарувчи ҳаммол, деб баҳо бермоқда. Бунинг моҳиятини тушуниш учун дин, омонат, шариат каби тушунчаларнинг мазмунини англашимиз керак. “Дин” араб тилидаги “ишонч”, “ишонмоқ” сўздан олинган бўлиб, борлиқни яратувчи ва бошқарувчи, адолатнинг юксак намунаси, моддий оламга хос бўлмаган ва айни вақтда баркамолликнинг олий кўриниши сифатида тушунилувчи олий мавжудот, яъни Худога нисбатан муносабат, тасаввуф, урф-одат ва маросимлар мажмуидир. Омонат бутун мавжудотлар ичида фақат одамга юклатилган, Аллоҳни таниш ва Унгагина ибодат қилиш вазифасидир. Бундан келиб чиқадики, Юсуф Ҳамадоний фикрича, инсон учун тана Аллоҳни таниш, Аллоҳ омонатини бажариш, Аллоҳ берган неъматлар шукрини адо этиш, яъни улардан меъёрда фойдаланиш, уларни исроф этмаслик, ибодат этиш улови сифатида хизмат учун яралган.

Ибодат кенг маънодаги тушунча бўлиб, ҳадисда айтилишича, ўн қисмдан иборатдир. Унинг тўққиз қисми ҳалол луқма учун ҳаракат, бир қисми фарзларни бажаришдир. Инсоннинг ҳалол луқма учун ҳаракат қилиши, деҳқоннинг ерга уруғ экиши ва ҳосил олиши, хунарманднинг деҳқон ва одамлар учун зарурий асбоб-ускуналар ясаши, олимнинг илм йўлида таҳсил олиши учун тана улов вазифасини бажаради. Шариат вазифаларини бажариш мақсадида таҳорат қилиш, либос, жойни поклаш, намоз ўқиш (ва ҳоказолар) учун қўл, оёқ, кўз ва танадаги барча имкониятлар ҳаммол – ёрдамчидир.

Дарҳақиқат, танада жойлашган мия фаолияти ёрдамида инсон фикр юритади, кўз ёрдамида кўради, қулоқ билан

эштади, бурун билан ҳидлайди, тишлар билан овқатланади, ички узвлар билан уларни ҳазм қилиб, кераклисини танада сақлаб, чиқиндиларни олиб ташлайди, қўл билан меҳнат қилади ва оёқлари уни зарурий маконга элтади. Демакки, бадан зарурий, керакли улов ва ҳаммолдир. Юсуф Ҳамадоний инсон учун танани керак, зарурий деб ҳисоблайди. Юсуф Ҳамадонийнинг танани инсон камолоти учун зарурлигини таъкидлаши жуда ижобий ғоядир. Чунки тана руҳ учун зулмат деб, руҳпарастлар умуман тананинг ролини ва ўрнини инкор этади. Тана талабларини умуман инкор этиш нотўғри эканлигини Юсуф Ҳамадоний тўғри таъкидламоқда. У яна шундай изоҳлайди: “Бадан дин йўлида ғозийнинг отидан ва ҳожининг туясидан афзал бўлмаганидек, тубан ҳам эмас” [4:19]. Демакки, тананинг мақоми ҳақ йўлига борувчи кишининг от ва туяси кабидир. Ғозийнинг дин йўлида ҳаракат қилишида, қай даражада от зарур бўлса ва ҳожи туясиз Ҳажга бориб, фарзини адо этишдек бахтга муяссар бўла олмаса, инсон учун ҳам тана от ва туя каби улов ва ҳаммол мақомида ҳисобланаркан.

Юсуф Ҳамадонийнинг қарашини Ибн Сино уйғундир. Ибн Сино танага восита, омил деб баҳо берган ва инсон камолоти учун зарур деб ҳисоблаган. Юсуф Ҳамадоний эса улов ва ҳаммол, дейди. Бу икки мутафаккир турли иборалар билан танага таъриф бераётган бўлсалар ҳам, улар инсон учун тана роли ва ўрнининг зарурлигини тан олади.

Юсуф Ҳамадоний инсон танасининг тузилиши ҳақида ҳам фикр юритган. У тана ҳақида “тўрт унсур (тупроқ, сув, олов, ҳаво) сенинг фитратинг ва мижозингдир. Унсурлардан иборат ҳар бир мавжудотда махлуқотнинг кейин яратилганлиги ва ўлимга маҳкумлигига доир минглаб аломат ва нишонлар бор”, [4:37] - дейди. Демак, тана фонийдир. Руҳ - маънавий, руҳий, номоддий ибтидон ифодаловчи тушунча. Юсуф Ҳамадоний руҳга ҳам таъриф берган: “Руҳ – аслларнинг аслидир, - дейди ва руҳнинг ўрни ва мақомини шундай изоҳлайди: “Руҳнинг борлиги соясида бадан кўради, билади, эштади, ушлайди, юради” [4:49]. Юқорида биз танада мавжуд имкониятлар инсонни фикрлашга, кўриш, ҳидлаш, таъм билиш, эзгу ҳаракат қилишга ёрдам беришини айтган эдик. Лекин кўзнинг кўриши учун ҳам, миянинг тафаккур қилиши учун ҳам, қўлнинг ишлаши-ю, қўл-оёқнинг ҳаракати учун ҳам баданда руҳ мавжуд бўлиши лозим. Демак, руҳсиз тана жонсиз улов ва ҳаммол кабидир. Танага руҳ кирганида ундаги барча имкониятлар уйғониб, токи руҳ унда яшар экан инсонга хизмат қилади. Демакки, руҳнинг мақоми юксакдир. Лекин тана бўлмаса инсон ўз олдига қўйган вазифаларни бажара олмайди. Бу ғоялардан маълум бўляптики, Юсуф Ҳамадоний моддиюнчилар каби фақат танани инсон учун асосий демаган. Юсуф Ҳамадоний инсонга нисбатан таълимоти меъёри доирасида бўлиб, моддиюнчи ёки руҳпараст каби бир томонлама ва чекланган эмас.

Юсуф Ҳамадоний тана ва руҳнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлигини ва бири иккинчисини тақозо этиши ва уларнинг борлиги инсон тириклигининг асоси эканлигидан далолат беришини айтган. “Руҳнинг хусусият-фазилатлари туфайли доноликда қатъият, назарда фаросат ва ибрат эшитишда ҳикматни англаш, эргашишда итоат, юришда хизмат юзага келади”, [4:19] - дейди Юсуф Ҳамадоний. Демак, руҳ ёрдамида танада жойлашган узвлар фақатгина оддий кўриш, эшитиш каби вазифаларни адо этиб қолмасдан, балки миянинг тафаккур қуввати, назарда фаросат ва ибрат, эшитганининг ҳикмат маъзи, қўл-оёқ охираат озиғи учун ҳаракати каби улуғвор, юксак мақомга етишга ёрдам берар экан. Юсуф Ҳамадоний шунинг учун руҳни “жўмардлик йўли, мушоҳада жойи, фазл мавзеси, карам макони, яқинлик қароргоҳи, қудсият маскани, ҳаёт маҳали, унсият бўстони, севги-дўстлик водийси, муҳаббат денгизи, сукунат майдони ва мукошафат йўли жон – руҳдир, [4:19] деб таърифлаган. У тана ва руҳ бир-бирини тақозо этиши, боғлиқлиги билан бирга улар умуман бир-биридан фарқ қилишини қуйидаги тарзда изоҳлайди: “Нутфа, алақа, гўшт, суяк, соч ва юз каби бошқа борлиқлар ҳам руҳга ўхшамайди, улар жонсиз, қотиб

қолган ва ўликдир. Лекин бу борлиқлар руҳ билан доимо тирик, ҳаракатда ва тоза, бузилмайдилар, сасимайдилар ва йўқ бўлиб кетмайдилар” [4:50]. Демак, ҳаётнинг, ҳаракатнинг, тоза-озодликнинг, аслиятнинг сақланиш асоси руҳ экан. Шунинг учун уни аслининг асли, деб таъриф берган.

Юсуф Ҳамадоний руҳ орқали инсоннинг аъзолари ҳаракатланиши, натижада инсон ўз фаолиятини амалга ошириши мумкинлигини таъкидлайди. Руҳни таърифлаб: “Ирода ва ихтиёр ҳам унда”, [4:50] - дейди. Демак, инсон нима ишни ирода этса ва ихтиёр қилса, у ҳам руҳ қувватидан экан. “Руҳ кўришда кўздир ва кўзда кўришдир ва кўрадиган кўзнинг қурувчисидир. Руҳ кўришни ҳам кўради. Шунингдек, эшитиш ва эшитилган, сўзлашув ва сўзлашилган, ҳидлаш ва ҳидланган, топиш ва топилган, англаш ва англаганининг эшиги ҳам руҳдир”, [4:50]

Юсуф Ҳамадоний инсон танасига руҳ кирганидан сўнг, покиза бўлган соф фаришталар Одамга сажда қилгани ҳодисасини шарҳлаб, шунга асосланиб ёзадики, агар руҳ жавҳар ва зот жиҳатидан фаришталардан кўра покрок, тозароқ ва софрок, Ҳаққа яқинлик ва макон жиҳатидан улардан улуғворроқ бўлмаганида эди, фаришталар руҳга сажда қилмаган бўларди.

Юсуф Ҳамадоний: “Одам алайҳиссаломга руҳ уфурилгач, унинг бошидан оёғига қадар нурунинг шуъласидан порлаб, нуруланиб кетди. Малакут олами аъзоларининг ҳар бир зарраси бу офтоб нурунинг порлашидан янада жонланди, нуруланди. Бутун коинот ҳайбат ва итоатга йўналди”, [4:51] деб ёзади. Демак, руҳ танага уфурилгач, инсонга бутун борлиқ сажда этиб, унинг хизматига шай бўлади. Руҳни аслларнинг асли дейиш билан бирга, Юсуф Ҳамадоний саҳиҳ ҳадисларга асосланиб, руҳ жисмдан олдин яратилганлигини ва одамларнинг қалбани бир-бири билан уйғун ёки ихтилофли бўлиши руҳнинг таниши ва бегоналаниши, улфат бўлиши ёки ихтилоф қилишига боғлиқ деган фикрни эмас, бадан, қалб, руҳларда фарқ йўқ, фарқ инсоннинг ўз бадани, қалби ва руҳи воситасида қилган амалларида кўринади, дейди. Демак, инсон тана ва руҳи уйғун бўлган ҳаётлик вақтида унга берилган неъматлардан қандай фойдаланганлиги, эзгу ёки ёмон амал қилганлигига қараб баҳоланишини Юсуф Ҳамадоний таъкидлаш асносида, инсон учун ўзини бутун борлиқда устун қилиб қўядиган ақлу идрок, фаҳму фаросат, тил ва тафаккур қувватларини нима мақсадда сарфлагани, ҳаётий мезони эканлигини таъкидламоқда. Инсон улардан эзгулик йўлида фойдаланиб, “ҳақиқий инсон”, “ҳазрати инсон” бўлиши мумкин. Шу билан бирга, унга берилган имкониятларни англамай, тубан ҳайвон даражасига тушиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Юсуф Ҳамадонийнинг “Ҳаёт мезони” (“Рутбат ул-ҳаёт”) асаридеги фикрлар қуйидаги тафаккур хулосаларнинг яралишига замин бўлган:

- Инсон тана ва руҳдан таркиб топган ва бутун борлиқда энг олий мақомда турган зотдир.
- Тана руҳсиз жонсиз ва ҳаракатсиз. Руҳ танасиз ўз олдидаги вазифаларни бажара олмайди. Тана руҳсиз, руҳ танасиз камол топа олмайди. Инсон ҳаёти учун иккаласи ҳам зарур.
- Тана нафс билан боғланган. Тана ҳузур-ҳаловатини меъёрида сақлаш учун нафсни жиловлаши лозим.
- Руҳ аслларнинг асли, латиф, боқийдир. Инсон камолоти қалб, сир ва руҳ мақомлари даражасидадир.
- Қалб покланиши билан Имон мақомига етади.
- Сир ва руҳнинг мақомлари ва инсон камолотининг олий даражаси эҳсондир.
- Тана ва руҳ аслини билиш ва уларга меъёрида муносабатда бўлиш зарур.
- Тана фоний. Ундаги нафс истакларига берилиши инсонни ҳайвон ҳолатининг тубанлашувига олиб келади. Шунинг учун нафсни таниш ўз-ўзини англаш, билишнинг асосидир.
- Нафси жиловланган, бўйсундирилган тана руҳ итоатида бўлиб, эзгуликка хизмат қилади ва Ислому мақомида бўлади.

- Тана ва руҳ истакларига бундай меъёрда муносабатда бўлиш инсон ҳаёти учун зарур.
- Инсон ўзига берилган ҳаётимкониёт, тана ва руҳ қувватларини эзгуликка сафарбар этиши ва шу билан тинч, хотиржам яшаши, ўз тириклик мезонини билишини

англатади.

- Инсон ўз ҳузур-ҳаловати, хотиржамлиги манбаини тўғрилаши, меъёрига, мезонига етказиши ўз номига муносиб тирик мавжудот бўлишга имкон беради.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Фаридулдин Аттор. Таъкират ул авлиё. – Техрон, 1376 х. в.
2. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони, Одоб тарикат, Коинот ва инсон ҳақида. – Т.: 2018.

3. Юсуф Ҳамадоний. Рутбат ул-ҳаёт. Доктор Муҳаммад Амин Риёҳий муқаддимаси. – Техрон 1361 х.ш.

4. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. (Рутбат ул-ҳаёт). – Т.: Янги аср авлоди, 2003.

# ISLOM DUNYOSIDAGI FALSAFIY TAFAKKUR EVOLYUTSIYASI IBN SINO MISOLIDA

RAMZIDDIN  
ISAKDJANOV

O'zXIA dotsenti, PhD

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada Ibn Sino merosini o'rganuvchi juda ko'p maktablar haqida ma'lumot berilgan bo'lib, alloma qarashlaridagi teologiyaga oid konseptual masalalar tahlil qilingan. **Tayanch so'zlar:** Moddiyunchi, natur falsafa, wajib al wujud, mumkin al wujud, Al Mabda val ma'od, emanatsiya, tajalli.

**Annotation:** This article provides information about the many schools that study the legacy of Ibn Sina, and also analyzes conceptual issues related to theology in the views of scholars. **Key words:** Materialist, natural philosophy, wajib al wujud, mumkin al wujud, Al Mabda wal ma'ad, emanation, tajalli.

**Аннотация:** В данной статье приводятся сведения о многих школах, изучающих наследие Ибн Сины, а также анализируются концептуальные вопросы, связанные с богословием, во взглядах ученого. **Ключевые слова:** Материалист, натурфилософия, ваджиб аль-вуджуд, мумкин аль-вуджуд, Аль-Мабда валь маад, эманация, таджалли.

**Kirish.** Jahonda diniy ta'limotlarni noto'g'ri talqin qilish, ayniqsa islom dini asoslarini ratsional tafakkur qilmaslik natijasida diniylik va dunyoviylik, falsafa va dini ajratish holatlari kuzatilmog'da. Shunday vaziyatda islom dini ta'limotini falsafiy talqin qilish, ilohiyot mavzusini ratsional tushuntirish ushbu masalalarni ilmiy asoslashga yordam beradi. Abu Nasr Farobiy "Din va falsafa – haqiqatga olib boruvchi ikki yo'l" iborasini qo'llagan. Shundan kelib chiqqan holda diniy haqiqatni falsafiy qonun bilan tushuntirish insonlarda dinga nisbatan mo'tadil yondashuvni shakllantirgan. Abu Ali ibn Sino tomonidan ilohiyot mavzusidagi gnoseologik tamoyillar, dinning ratsional tushuntirilishi mavjud muammoga yechim topishda muhim ahamiyat kasb etgan. Shundan kelib chiqib, diniy haqiqatlarni mantiqiy talqin qilish, ilohiyot mavzusini yoritishda ratsional tamoyillardan foydalanish din va falsafa masalalarini to'g'ri anglashga yordam beradi.

Jahonda din va falsafa uyg'unligi borasida ko'plab ilmiy-tadqiqot ishlari mavjuddir. Ularda Markaziy Osiyo mutafakkirlarining falsafiy ta'limotlari ushbu mintaqa ma'naviy merosining muhim qismi sifatida tadqiq etilgan. Markaziy Osiyodagi mantiqiy-gnoseologik g'oyalari tarixini o'rganish nafaqat o'tmish madaniyati va falsafasini, balki hozirgi davrga xos g'oyaviy jarayonlarni to'g'ri tushunishga ham yordam beradi. Ibn Sinoning ilohiyotga doir merosi G'arb mamlakatlari, Rossiya, Turkiya, Eron va Tojikistonning bir qator olimlari tomonidan o'rganilgan. Shunday bo'lsa-da, uning diniy-ratsional qarashlari tizimli tahlil qilinmagan. Amalga oshirilgan tadqiqotlarda asosan Ibn Sinoning nafs, ruh, materiyaning abadiyligiga oid qarashlari tadqiq etilgan. Lekin olimning islom dini manbalari, xususan, Qur'oni karim suralariga tafsiri aksar tadqiqotchilar e'tiboridan chetda qolmoqda. Natijada, ayrim tadqiqotlarda allomani materialist sifatida ko'rsatish, uni yunon falsafasi davomchisi sifatida talqin etish harakatlarini kuzatish mumkin. Shu sababli, Ibn Sino tafsirini o'rganish diniylik va dunyoviylik uyg'unligini, shuningdek, mo'tadil islom tamoyillarini ratsional yo'l bilan ochib berishda katta ahamiyat kasb etadi.

O'zbekistonda so'nggi yillarda din sohasiga, xususan, milliy va diniy qadriyatlarimizni qayta tiklash hamda to'laqonli tadqiq etish, xalqimizga sof islom g'oyalari yetkazishga katta e'tibor qaratilmoqda. Darhaqiqat, "...islom dinining asl insonparvarlik

mohiyatini chuqur ochib beradigan, barcha odamlarni ezgulik, mehr-oqibat va hamjihatlik yo'lida birlashishga da'vat etadigan teran ma'noli fikr va g'oyalari ham bugun o'z qimmatini va ahamiyatini yo'qotgan emas" [1:82]. Shu ma'noda Abu Ali Ibn Sino ilmiy merosida falsafaga tegishli asarlar alohida o'rin tutadi. Uning falsafiy qarashlari shakllanishida Arastu va Forobiyning ta'siri katta bo'lgan. Lekin Ibn Sino falsafada ushbu ikki faylasuf kabi alohida o'ringa ega bo'lib, o'ziga xos maktab yaratgan mutafakkir sifatida e'tirof etilgan. Islom ta'limotiga asoslangan Ibn Sino falsafasi merosi nafaqat islom, balki yahudiy va nasroniy dini olimlari falsafiy tafakkuriga ham ta'sir o'tkazgan.

**Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili.** Markaziy Osiyo falsafasi gnoseologiyasini o'rganishda MDH davlatlari olimlaridan M.S.Asimov, N.Baratov, M.N.Boltayev, A.D.Djahid, Yu.D.Jumaboyev, M.Dinorshoyev, A.K.Zakuyev, A.X.Qosimjonov, S.K.Satibekova, Ye.A.Frolova, M.M.Xayrullayev, M.T.Stepanyans, A.Sagadeyev, G.B.Shaymuxambetova, A.Sharipov kabilarni keltirish mumkin.

X-XI asrlar Markaziy Osiyo falsafasi gnoseologiyasi deganda Ibn Sino va Beruniy kabi buyuk daholar falsafasini misol keltirish mumkin. Sho'ro davri falsafa maktabi ushbu daholarni iloji boricha materialist deb ko'rsatishga, kerak bo'lganda din tanqidchisi sifatida ta'riflashga harakat qilgan. Shulardan biri sharqshunos olim A.Sagadeyev O'rta asr musulmon falsafasi – peripatetizm hukmron mafkuraga muxolifatda bo'lgan, deb yozadi [10:6].

Shuningdek, A.Sagadeyev O'rta asrlarda Yevropada falsafa bilan ko'proq katolik olimlar – neotomistlar qiziqqanini aytib o'tadi. Bu borada E.Jilson, L.Garde, J.Verbeke, M.Asin Palasios, R.Arnaldes va A.Korben asarlari yaqqol misoldir.

Markaziy Osiyo falsafa tarixiga yevropasentristik munosabat tahlili o'z-o'zidan Avestoga borib taqaladi. Avestoni qadimgi yunon faylasuflari – Solon, Sokrat, Fales, Aristotel, Platon, Geraklit, Demokrit, keyinchalik G'arb olimlari – Anketil Dyu Peron, X.Bartolome, M.Boys, I.M.Stebkin-Komenskiy, J.Kelens, J.Dyushen-Giyemen, X.Xumbax, Gyote, Dante, V.B.Xenning tadqiq qilgan. Shu sababdan ham ularning falsafiy qarashlari shakllanishida Avestoning ta'siri katta bo'lgan.

Aleksandr Makedonskiy ustoz Aristotelni o'zining barcha yurishlarida olib yurgan. Beruniy esa Avestoni Aleksandr